

**Нефт маҳсулотларини етказиб бериш ҳақидаги
№ 116 -сонли ШАРТНОМА**

“26” 01. 2022 йил

Элликқалъатумани

Кейинги ўринларда “Етказиб берувчи” деб аталувчи “Тахиятош нефт базаси” масъулияти чекланган жамияти Элликқалъа филиали номидан ишончнома асосида фаолият юритувчи раҳбар З.ДЖУМАТОВ бир томондан ва «Истеъмолчи» деб аталувчи Элликқалъа тумани ҳокимлиги номидан устав асосида иш юритувчи раҳбар С. Абдулов иккинчи томондан, ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1 ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефт маҳсулотларини етказиб бериш, «Истеъмолчи» эса етказиб берилган нефт маҳсулотларини қабул қилиб олиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномада келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

1.2. Томонлар ўзаро келишилган ҳолда маълум давр (ойлик, чорақлик ёки йиллик давр) учун етказиб берилиши кўзда тутилган нефт маҳсулотлари турлари, ассортиментлари ва миқдорларини ушбу шартноманинг кўйидаги спецификация орқали белгилаб оладилар.

Нефт маҳсулотининг номи, русуми	Дав. СТТШ	Ўлчов бирлиги	Нархи	Йиллик миқдор	Суммаси	Шу жумладан чорақлар бўйича			
						I	II	III	IV
Дизель ёқилгиси	ЭКО	тонна	11616,058						
Автобензин	АИ80	л	7879,6	1614	12717624,4	1614			
Жами:									

Спецификация маълумотларидан томонлар ўз шартномавий мажбуриятларини бажаришда, жумладан «Истеъмолчи» буюртмаларни шакллантиришда, «Етказиб берувчи» эса нефт маҳсулотларининг зарур захирасини олдиндан яратишни режалаштиришда фойдаланиладилар.

2 НЕФТ МАҲСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг умумий суммаси ККС ҳисобланган ҳолда 12717624,4 сўм 00 тийинни ташкил қилади.

2.2. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг нархлари «Етказиб берувчи» томонидан Бюджет ташкилотлари пахта хомашёси ва ғалла ишлаб чиқарувчи фермер ҳужалиқлари ва пахта-тўқимачилик кластерлари, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, “Тошхашартрансхизмат” АЖ, майший чикиндиларни тўplash ва олиб чиқиш бўйича давлат корхоналарига дизел ёқилгиси (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилгиси) ўтган ҳафтадаги биржа савдолари натижаларига кўра шаклланган ўртача биржа нархларида шаклланади ва нархларга боғлиқ шартноманинг қиймати ва ҳажми ўзгариши мумкин.

Дизель ёқилгисидан ташқари (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилгиси) барча нефт маҳсулотлари, нефтни қайта ишлаш заводларидан биржа савдолари орқали сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари ҳамда сотиш бўйича нефт база устамасидан шаклланади. «Етказиб берувчи» нефтни қайта ишлаш заводларидан биржа савдолари орқали сотиб олинган нефт маҳсулотларининг нархи белгиланган тартибда ўзгарган тақдирда янги нархлар қўлланилади ва ушбу янги нархларга боғлиқ шартноманинг қиймати ва ҳажми ўзгариши мумкин.

2.3. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси олинган заҳоти етказиб берилиши сўралган нефт маҳсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум қилади. «Истеъмолчи» мазкур нархлар асосида буюртмадаги нефт маҳсулотлари партиясининг тегишли ҳажми учун 100% олдидан тўловларни оширади.

2.4. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотлари учун тўловлар «Етказиб берувчи»нинг банкдаги ҳисоб рақамига пу. ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3 ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ

3.1. Нефт маҳсулотлари «Етказиб берувчи»нинг омборидан ёки унга қарашли филиаллардан «Истеъмолчи»нинг буюртмаси ва унда етказилиши сўралган нефт маҳсулотлари учун тўловлар келишилган муддатда олдиндан 100% амалга оширилганини тасдиқловчи тўлов ҳужжати нуسخаси тақдим этилганда етказиб берилади.

3.2. «Истеъмолчи»га «Етказиб берувчи»нинг маҳсул автотранспортида дизель ёқилгисини (шу жумладан ЭКО маркали дизел ёқилгиси) белгиланган тартибда алоҳида (нефть маҳсулотларини тошиш хизмати) шартнома асосида, дизел ёқилгисидан ташқари барча нефть маҳсулотларини «Истеъмолчи»га «Етказиб берувчи»нинг маҳсул автотранспортида белгиланган тартибда етказиб берилади. Нефть маҳсулотларини шунингдек «Истеъмолчи» томонидан барча ёнги ва техника хавфсизлик талабларига риоя қилиш бўйича масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда ўзига тегишли ёки ижарага олинган маҳсул транспорт воситасида олиб кетилиши мумкин ва бундай ҳолатда ташиб келтириш харажатлари қайта кўри чиқилмайди.

3.3. Нефт маҳсулотлари омборига нефт маҳсулотини ташувчи автомобил цистерналари 1510-84 Давлат стандарт талабига жавоб бериши шарт. Акс ҳолда автотранспорт воситалари омбор ҳудудига киритилмайди ва уларга нефт маҳсулотларининг куйилишига рухсат этилмайди. Бундай автотранспорт воситаларининг бўш кетиши учун «Етказиб берувчи» жавобгар бўлмайди.

3.4. Нефт маҳсулотлари қўйилган автоцистерналар (Истеъмолчи)нинг автотранспортида олиб кетиш ҳолатлар бундан мустасно) «Истеъмолчи»нинг талабига биноан «Етказиб берувчи»нинг ёки унинг бўлинмалари томонидан амалдаг меъёрий техник ҳужжатларга (2417-85 давлат стандартига) мос тарзда тамғаланади.

3.5. Нефт маҳсулотлари ушбу шартноманинг 3.1. бандида келтирилган ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошла 1 кун ичида етказиб берилади. Нефтни қайта ишлаш заводларидан етказиб берилмаслиги ёки темир йўл ташкилотларининг айби билан юзага келган нефт маҳсулотлари таъминотидаги узилиш ҳолатларида «Етказиб берувчи» томонида

«Истеъмолчи»ни бу ҳақда хабардор қилинган ҳолда томонлар етказиб беришнинг бошқа муддатини ўзаро келиши олишлари мумкин.

4 НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Нефт маҳсулотлари микдор буйича қабул қилиш «Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларин микдор жихатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида»ги П-6-сонли ва сифати буйича эса «Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини сифат жихатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида»ги П-7-сонли йуриқномалар ҳамд бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида амалга оширилади.

4.2. «Истеъмолчи»нинг вакили нефт маҳсулотларини олаётган вақтда маҳсулотнинг сифати ва микдорини жойид текшириб олади.

4.3. Нефт маҳсулотларини етказиб берганлик тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар «Етказиб берувчи»нинг омборид ёки унга қарашли филиалларда, айрим ҳолларда «Истеъмолчи»нинг ҳудудида расмийлаштирилади ва уларн «Истеъмолчи» томонидан бунга ваколат берилган ишончнома асосида вакили имзолайди ва нефт маҳсулотларини қабу қилиб олади. Эгалик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, нефт маҳсулотларига зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» омбор ёки АЁҚШ ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи»га ўтади.

5 НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ

5.1. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандартларига ва техник шартларга жавоб берадига нефт маҳсулотларини етказиб беришни қафолатлайди. Етказиб бериладиган нефт маҳсулотларининг сифати 1510 ва 2517 сон Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу нефт маҳсулотларини автотранспорт воситалариг юклаш ва ташиб етказилиши кузатилишига оид расмийлаштирилган ҳужжатларда қайд этилиши лозим.

5.2. Нефт маҳсулотларини олишда «Истеъмолчи» уларнинг сифатини, шунингдек сифат паспортини талаб қилин ҳуқуқига эга.

6 ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Томонлар ушбу шартнома буйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражад бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунига биноан жавобгар бўладилар.

6.2. «Етказиб берувчи» нефт маҳсулотларини ўз вақтида етказиб бермаганлик учун ҳар бир кечиктирилган кун учу вақтида етказилмаган нефт маҳсулотлари суммасининг 0,1 фоизи, лекин 10 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда пеня тўлайди.

6.3. «Етказиб берувчи» нефт маҳсулотлари сифатини ўз ҳисобидан тиклаб бериш билан бир қаторда «Истеъмолчи» етказиб берилган сифати лозим даражада бўлмаган нефт маҳсулоти қийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди.

6.4. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефт маҳсулотларини олишдан сабабсиз бо тортганлиги учун «Етказиб берувчи»га олинмаган маҳсулот умумий қийматининг 5 фоизи микдорида жарима тўлайди таъминотчи олинмаган маҳсулот учун маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.5. «Истеъмолчи» ўзининг ҳудудига олиб келинган нефть маҳсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнғин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилинишига тўлиқ жавобгардир.

6.6. «Истеъмолчи» етказиб берилган нефт маҳсулотларини сақлашнинг техникавий шарт-шароитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

7 ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

7.1. Томонлардан бирортаси ушбу шартнома буйича ўз мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражад бажармаган ва бунга форс-мажор ҳолатлар, яъни енғиб бўлмайдиган куч (фавқулотда ва муайян шароитларда олдини оли бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар)) саба бўлганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

8 БОШҚА ШАРТЛАР

8.1. Ушбу шартноманин бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай низо ва келишмовчиликлар томонла ўртасида ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади. Келишувга эришилмаган тақдирда эса низолар белгиланган тартибд иктисодий судлар орқали ҳал этилади.

8.2. Шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томс имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.

8.4. Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшим равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий газначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

«Тахиятош нефт базаси» МЧЖ Эллиққалъа филиали
Манзили: Эллиққалъа тумани Бустон шаҳри Веруний Шох
кучаси р/з ўй

Банк: ЎзСаноатқурилишбанк Тошкент ш.

Яшнобод филиали
ИНН: 204050009 МФО: 00432,
тел: (361) 85 16 97

Раҳбар: Ш. Ш. Ш. Ш.
Хисобсари:
Ички сотиш бўлими:
Ҳуқуқшунос:

«ИСТЕЪМОЛЧИ»

Эллаққалъа тумани
Деоҳиш йули
Ш. Рашидов 13
23402000 300 10000 1010
10002110211020100400001
Марказий Банк Тошкент
0000 00004
С/Н: 20094193
Тел: 585 10 57

С. Абдулов



Ш. Рашидов